

# ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК – БУ НИМА?

## МУТАХАССИСЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Муаллифлар  
**Анна Волошчук**  
**Барбара Лещинская**

Таҳрир ва Таржима  
**Станислав Бруднох**  
**Малика Инакова**

Нашр "HumanDoc" жамғармаси “Оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва оиладаги зўравонликдан азият чекаётган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа Полша- Америка Озодлик Жамғармасининг молиявий кўмагида «RITA – Демократия учун таълим жамғармаси томонидан амалга оширилаётган “Минтақавий ўзгаришлар” дастури доирасида амалга оширилди.

«Оиладаги зўравонлик - бу нима? Мутахассислар учун қўлланма» нашри Creative Commons «Муаллифлик ҳуқуқи билан – Нотижорат 4.0 Халқаро» (CC BY-NC 4.0) лицензияси остида мавжуд. Баъзи ҳуқуқлар HumanDoc Foundation фойдасига ҳимояланган. Нашр HumanDoc жамғармаси томонидан Полша-Америка Озодлик Жамғармаси молиявий кўмагида амалга оширилаётган «Оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва оиладаги зўравонликдан азият чекаётган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Қўлланмадан эркин фойдаланиш учун ушбу маълумотлар, жумладан, амалдаги лицензия, ҳуқуқ эгалари ва «лойиҳаси тўғрисидаги маълумотлар “Оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва оиладаги зўравонликдан азият чекаётган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шартли билан рухсат этилади.

# Мундарижа:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК</b> .....	<b>4</b>
ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	7
ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ЦИКЛИ.....	8
1. <i>Кескинликнинг ўсиб бориш босқичи</i> .....	8
2. <i>Фаол зўравонлик босқичи</i> .....	9
3. <i>«Асал ойи» босқичи</i> .....	9
ЗЎРАВОНЛИК ТУРЛАРИ.....	11
ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДАГИ АФСОНАЛАР .....	12
<b>БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК</b> .....	<b>14</b>
ЗЎРАВОНЛИК ГУВОҲИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ҲИССИЙ БУЗИЛИШЛАР .....	15
ТАВСИЯЛАР .....	18
<b>ҚАРИЯЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК</b> .....	<b>20</b>
ҚАРИЯЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ТУРЛАРИ .....	21
ҚАРИЯЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИ ТАҚИҚЛАШ .....	24
<b>ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ОДАМЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК</b> .....	<b>27</b>
ЧЕКЛАНГАН ИМКОНИАТЛАР ТУШУНЧАСИ .....	27
ПОЛШАДА НОГИРОНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК (ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ).....	28
НОГИРОНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	30
ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ОДАМЛАРГА САМАРАЛИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ.....	33
<b>ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТЧИСИ ВА ҚУРБОНИ – ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТ</b> .....	<b>35</b>
ЗЎРАВОНЛИК АЙБДОРИНИНГ (ТАЖОВУЗКОРНИНГ) ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТИ.....	35
ҲУҚУҚБУЗАРЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	38
ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	39
АГРЕССОРНИНГ ХАТТИ-ХАРАКАТИ.....	39
НИМА УЧУН ҚУРБОНЛАР ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТИДА ҚОЛМОҚДА?.....	40
<b>ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИДА ИНҚИРОЗ АРАЛАШУВИНИНГ (ИНТЕРВЕНЦИЯ) ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	<b>42</b>
Мавжудлиги:.....	42
Ижтимоий кўмак: .....	43
Инқироз аралашувининг мақсадлари: .....	44
Оилавий зўравонлик қурбони билан биринчи алоқа. Асосий тамойиллар. ....	44
Зўравонлик қурбонлари билан ишлашда нима қилмаслик керак?.....	45
<b>ПОЛША ТАЖРИБАСИ: ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА ИНҚИРОЗЛИ АРАЛАШУВ</b> .....	<b>47</b>
Ижтимоий ёрдам .....	47
<i>Ижтимоий ёрдам вазифалари:</i> .....	47
<i>Ижтимоий ёрдамнинг асосий мақсадлари:</i> .....	47
<i>Инқироз аралашуви</i> .....	49
<i>Фанлараро гуруҳ</i> .....	49
«МОВИЙ КАРТА» ЖАРАЁНИ .....	50
«МОВИЙ КАРТА» жараёнининг бошланиши .....	51
«МОВИЙ КАРТА» процедураси доирасида фанлараро гуруҳ томонидан амалга ошириладиган тадбирлар.....	51
«МОВИЙ КАРТА» жараёндаги тажовузкор .....	52
Агрессор билан ишлаш тамойиллари .....	52
«МОВИЙ КАРТА» жараёндаги зўравонлик қурбони бўлган бола .....	52
«МОВИЙ КАРТА» жараёнини яқунлаш .....	53
<b>ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАРКАЗ</b> .....	<b>55</b>
Оилавий зўравонлик қурбонларини қўллаб-қувватлаш ихтисослаштирилган маркази (SOW) фаолияти шакллари: .....	55
<i>Терапевтик ёрдам</i> .....	56
<i>Тузатиш ва таълим дастурлари</i> .....	56
<i>Ихтисослашган қўллаб-қувватлаш марказининг (SOW) мижози ким? «Одатдаги» зўравонлик қурбонларими?</i> 57	
<b>БИБЛИОГРАФИЯ:</b> .....	<b>59</b>

# КИРИШ

Оиладаги зўравонлик – дунёда жуда кенг тарқалган ва яқин одамлар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилувчи салбий ҳодиса. Оиладаги зўравонлик қийин ва шикастли ҳаётини вазиятлардан биридир. Бу мураккаб муаммо бўлиб, унинг оқибатлари ҳам шахслар, ҳам бутун жамият учун жуда жиддий бўлиши мумкин.

Халқаро тузилмалар, ҳукумат ва нодавлат ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли аёлларга нисбатан оиладаги зўравонлик муаммосига эътибор қаратиш мумкин бўлди. Бироқ, аёллар оиладаги зўравонликка дучор бўлган ягона гуруҳ эмас. Ҳаёт шуни кўрсатадики, оиладаги зўравонлик қурбонларининг яна бир қанча тоифалари мавжуд бўлиб, уларнинг муаммолари, тадқиқотларга кўра, жамиятда камроқ намоён бўлади ва маълум. Ушбу рисолада биз болалар, қариялар ва имконияти чекланган одамлар каби заиф ижтимоий тоифаларга нисбатан оилавий зўравонликнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ушбу ҳодисанинг кўлами Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларидан далолат беради, унга кўра «ҳаёти давомида ҳар учинчи аёл, тахминан 736 миллион, яқин шериги томонидан жисмоний ёки жинсий зўравонликка ёки шеригидан ташқари жинсий зўравонликка дучор бўлади»<sup>1</sup>.

Оиладаги зўравонликка қарши курашиш учун фактларни аниқлашга, жабрланганларга ёрдам беришга, қурбонлар ва зўравонлар билан ишлашга ёрдам берадиган маълум билим ва кўникмалар зарур.

Сизнинг эътиборингизга тақдим этилган нашрда оиладаги зўравонликнинг асосий тушунчалари ва таърифлари, унинг болалар, қариялар ва имконияти чекланган одамларга нисбатан тарқалиши ва намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Бу зўравонликнинг ушбу турини йўқ қилишга тўсқинлик қиладиган кенг аҳоли оммаси онгида илдиз отган асосий афсоналарни тақдим этади ва рад қилади.

Ушбу нашр оиладаги зўравонлик бўйича мутахассис Анна Волошчук томонидан тайёрланган тақдимотлар ва ўқув материалларига асосланган. "Болалар, қариялар ва имконияти чекланган одамларга нисбатан оиладаги зўравонликка қарши курашиш бўйича Ўзбекистонлик мутахассисларни ўқитиш" лойиҳаси доирасида бир қатор тренинглар ўтказилди.

Лойиҳа Польша-Америка Озодлик жамғармаси кўмагида "Демократия учун таълим" фонди томонидан "RITA-Минтақадаги ўзгаришлари" дастури доирасида амалга оширилди

<sup>1</sup> <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women>

# ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК

"Оиладаги зўравонлик" атамаси тез-тез ишлатилишига қарамай, унга тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан ишлаб чиқилган ва келишилган ягона таъриф ҳали ҳам мавжуд эмас. Қуйида ушбу атаманинг асосий хусусиятларини таъкидлайдиган бир нечта таърифлар келтирилган.

**Зўравонлик** шунингдек: ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқлари ёки шахсий манфаатларини бузадиган бир марталик ёки такрорий қасддан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликдир. Зўравонликнинг оқибатида жабрланган инсон соғлиғини, ҳаётини жисмоний дахлсизлиги ва ҳаракат эркинлигини йўқотиш мумкин.

**Оилавий зўравонлик**, шунингдек, уйдаги ёки маиший зўравонлик деб аталади, бу оила аъзосининг шахсий ҳуқуқ ва имтиёзларни бузадиган, азоб—уқубат ва зарар етказадиган қасддан ва кучга асосланган ҳаракатлардир (Сасаль, 1998).

**Оиладаги зўравонлик** - "оиланинг бошқа аъзосининг ҳаёти, жисмоний ва руҳий дахлсизлиги ёки эркинлигига таҳдид соладиган ёки унинг шахсий ривожланишига жиддий хавф туғдирадиган оила аъзоларининг ҳар бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир" (Европа Кенгаши таърифи, 1986 й.).

Проф. Ежи Меллибруда (Jerzy Mellibruda) зўравонликнинг икки шаклини ёки турларини ажратиб кўрсатади:

**Совуқ зўравонлик** - Кўпинча атайлаб қўлланилади ва аниқ мақсадга (баъзан ижобий мақсадга) эга. У биргалиқда яшаш ва одамларни бошқаришнинг авторитар моделлари асосида ривожланади. Ушбу стратегияни қўллаган киши муайян ҳаракатлар режасини амалга оширади. Бу одатда кучли ва тўсатдан ҳис-туйғулардан маҳрум бўлган жараён дир. Номи эса зўравонликнинг ушбу шакли билан бирга келадиган ҳиссий совуқлик ва хотиржамликни англатади.

**Иссиқ зўравонлик** - бу шакл интилишлар ва эҳтиёжларнинг умидсизлиги билан боғлиқ салбий кучли хиссиётларнинг натижасидир. Бу ғазаб ва ҳиссий портлашлар кўринишида ўзини намоён қилади. Бу зўравонлик, тажовузкорлик билан зарядланган, тўсатдан, асосан эҳтирос ҳолатида намоён бўлади. У ифоданинг бой шакллари (қичқириқ, оғриқ, сўкиниш) билан бирга келади.

**Ҳуқуқий нуқтаи назардан**, оиладаги зўравонлик жиноят ҳисобланади. Полша Жиноят кодексида ҳуқуқбузарлик қариндошларни ҳақорат қилиш жинояти сифатида танилган. Жиноят кодексининг 207-моддасига кўра, оила аъзосига нисбатан жисмоний ва руҳий зўравонлик қилиш 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бу жиноят давлат айблови ишлари тоифасига киради, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жабрланувчининг хоҳиши ва розилигидан қатъи назар, иш юритишади. 2005-йил 29-июлдаги “Оилавий зўравонликка қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда (“Дзенник устав” РПнинг 2005 йилдаги Қонунчилик бюллетени, № 180, 1493-модда, кейинги ўзгартиришлар билан) зўравонлик қуйидагича тавсифланади:

**Оила аъзоларининг шахсий ҳуқуқлари ёки манфаатларини бузадиган, хусусан, уларнинг ҳаёти, соғлиғини йўқотиш, қадр-қимматини, тана дахлсизлигини, эркинлигини, шу жумладан жинсий эркинлигини бузиш хавфини туғдирадиган, уларнинг жисмоний ёки руҳий саломатлигига зарар этказадиган, шунингдек, зўравонлик қурбони бўлган шахслар орасида азоб-уқубатларга, шу жумладан маънавий азоб-уқубатларга олиб келадиган оила аъзоларининг шахсий ҳуқуқлари ёки имтиёзларини бузадиган бир марталик ёки такрорий қасддан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик** (Жиноят кодексининг 11-параграф 115-моддасида назарда тутилган маънода: турмуш ўртоқлар, яқин қариндошлар, тўғридан-тўғри авлод қариндошлари, ака-ука, опа-сингиллар, никоҳ бўйича қариндошлар, бир хил даражадаги қариндошлар, бир бири билан муносабатлардаги шахслар, фарзандликка олинганлар ва уларнинг турмуш ўртоқлари, шунингдек бирга яшовчилар ёки биргаликда хўжалик юритувчи шахслар).

**Полшада 2010 йил 1 августда 2005 йил 29 июлдаги "Оиладаги зўравонликка қарши кураш тўғрисида" ги қонунга ўзгартиришлар кучга кирди.**

**Янги ҳуқуқий ҳужжатлар орасида ушбу қоидалар қуйидагиларни назарда тутди, жумладан:**

- оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича гмина\* (муниципалитет) дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш мажбурияти;
- муайян оилалар билан ишлаш учун маҳаллий/жамоавий фанлараро гуруҳлар ва ишчи гуруҳларни тузиш мажбурияти;
- ушбу гуруҳлар аъзоларининг шахсий маълумотларни қайта ишлаш ваколатлари;
- “Мовий карта” тартибини кенгайтириш – «мовий картани» очиш учун бешта хизмат идораси масъул: полиция ва ижтимоий ходимлардан ташқари, таълим ходимлари, соғлиқни сақлаш ходимлари ва спиртли ичимликлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича гмин комиссиялари аъзолари;
- ички ишлар органларининг талабига биноан жабрланувчи билан бирга турар жойни тарк этиш талаби;
- 2020 йилдан тажовузкорнинг қурбонларга яқинлашиши ва улар билан алоқа ўрнатиши тақиқланади.

**Полшада оиладаги зўравонликка қарши курашиш билан боғлиқ ижтимоий ёрдам вазифаларини тартибга солувчи бошқа Қонунчилик нормалари:**

- 12 йил 2004 мартдаги “Ижтимоий ёрдам тўғрисидаги” Қонун (Полша Республикасининг 2009 йилдаги «Дзенник Устав» Қонунчилик Бюллетени, 175-сон, 1362-позиция, кейинги ўзгартиришлар билан).
- 29 йил 2005 июлдаги “Оилавий зўравонликка қарши курашиш” тўғрисидаги Қонун (Полша Республикасининг 2005 йилдаги «Дзенник Устав» Қонунчилик Бюллетени, 180-сон, 1493-позиция, кейинги ўзгартиришлар билан).
- 2011-йил 13-сентябрдаги Вазирлар Кенгашининг «Мовий карта» тартиби ва «Мовий карта» шакллари намуналари тўғрисидаги Қарори (ПР Қонунчилик бюллетени «Дзенник Устав» 2011, № 209, 1245-позиция).
- Оилавий зўравонликка қарши кураш бўйича Миллий дастур.

# Оиладаги зўравонликнинг асосий хусусиятлари

*Оиладаги (уйдаги) зўравонлик – бу оила аъзосига қарши қаратилган, шахсий ҳуқуқ ва имтиёзларни бузадиган, азоб-уқубат ва зарар келтирадиган қасддан, куч ишлатиш хатти-ҳаракатидир.*

**Оилавий зўравонлик қуйидаги хусусиятларга эга:**

- **ҚАСДДАН СОДИР ЭТИЛИШИ:** Зўравонлик инсоннинг қасддан қилган ҳаракати бўлиб, жабрланувчини назорат қилиш ва бўйсундиришга қаратилган. Тажовузкор зарар етказмоқчи ва, жабрланувчини ўзига бўйсундирмоқчи бўлади.
- **КУЧЛАР ТЕНГСИЗЛИГИ:** Ўзаро муносабатларда томонлардан бири устунлик қилади. Бу кучнинг устунлиги, жисмоний устунлик ёки ҳиссий барқарорликнинг устунлиги, ижтимоий устунлик, билим ёки кўникмаларнинг устунлиги. Ушбу муносабатларда жабрланувчи заифроқ, тажовузкор эса кучлироқдир.
- **ҲУҚУҚЛАР ВА ШАХСЛАР ДАҲЛСИЗЛИГИНИ БУЗИШ:** Тажовузкор кучнинг устунлигидан жабрланувчининг асосий ҳуқуқларини (масалан, жисмоний даҳлсизлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, қадр-қиммат, ҳурмат, танлаш эркинлиги ва бошқаларни) бузиш учун фойдаланади.
- **АЗОБ ВА ОҒРИҚ КЕЛТИРИШ:** Тажовузкор жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар этказади. Зўравонлик, ҳиссий бўйсунуш, таҳдид ва хўрлаш унга дучор бўлган шахсларнинг ҳиссий фаолиятига жиддий зарар этказади. Оғриқ ва азоб-уқубатларни бошдан кечириш жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини пасайишига олиб келади.

# Оилавий зўравонлик цикли

Оиладаги зўравонлик бўйича тадқиқотлар уни бошқа зиддиятли вазиятлардан ажратиб турадиган асосий хусусиятлардан бирини аниқлади. Бу циклик характерга эгаллигидир.

Ушбу назария биринчи марта америкалик тадқиқотчи ва оилавий зўравонлик муаммоси бўйича таниқли мутахассиси, жабрланувчилар билан амалий иш олиб боришда зўравонлик ҳодисаларининг циклик хусусиятини аниқлаган Л.Уокернинг машҳур «Калтакланган аёл» китобида пайдо бўлган. (Walker; 1980).

Ҳар бир цикл учта асосий босқични ўз ичига олади: ортиб бораётган кучланиш босқичи – Деститион Фаза (фаол зўравонлик) – Асал оий «. Келинг, уларнинг ҳар бири нима эканлигини ва ҳуқуқбузар (тажовузкор) ва зўравонлик қурбонига қандай хатти-ҳаракатлар намуналари хос эканлигини кўриб чиқайлик.

## 1. Кескинликнинг ўсиб бориш босқичи

Биринчи босқич, унинг давомида тажовузкор кучайиб бораётган кескинликни ҳис қилади, уни тизимли равишда бартараф эта олмайди. Тўпланган ва концентрланган кескинликнинг портлаши содир бўлади.

**Агрессор (тажовузкор):** доимо асабийлашган, ҳар қандай майда-чуйда нарса уни ғазаблантиради, жанжалларни қўзғатади, спиртли ичимликларни, гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилади, хавфли, қўрқинчли бўлиб қолади, ўзининг «мен»-ини борган сари камроқ назорат қилаётгандек таассурот қолдиради.

**Жабрланувчи:** уни тинчлантиради, унинг инжиқликларини бажаради, кечирим сўрайди, унга таслим бўлади, унинг кўнглини олади ёки ундан қочади, унинг кайфиятини яхшилашни, уни хурсанд қилишни, унга зарар етказилишининг олдини олишни хоҳлайди. Унда зўриқиш ва қўрқув кучаяди, бу ўзини жисмоний аломатлар – бош оғриғи, қорин оғриғи, ҳаётий энергия этишмаслиги, асабий қўзғалувчанлик, ташвиш кўринишида намоён қилади.



## 2. Фаол зўравонлик босқичи

«Зўравонлик ҳодисаси» деб таърифланиши мумкин бўлган бу босқич ҳиссий портлашлар ва зўравонлик кўринишидаги жисмоний ҳаракатлар билан бирга кучли «портлаш» билан тавсифланади. Бу икки соатдан йигирма тўрт соатгача давом этиши мумкин бўлган энг қисқа босқичдир.

**Агрессор (тажлвузкор):** ўзини хиссиётларини бўшатиб олади, ғазабланади, қандайдир майда-чуйда нарсалар таъсирида портлайди, ҳар хил турдаги зўравонликни қўллайди, ўз ҳаракатлари ва ҳис-туйғуларини назорат қилмайди, тажовузкор, қандай қилиб тўхташни билмайди.

**Жабрланувчи:** ўзини ночор ҳис қилади, шок ҳолатида, бу ҳақиқатан ҳам содир бўлганига ишаноламайди, уят, даҳшат, зарбани ҳис қилади, бефарқ бўлиб қолади, яшаш истагини йўқотади, ғазаб ва ночорликни бошдан кечиради, тажовузни енгилга ҳаракат қилади, дардини ичига ютади. Агар у унга етказилган зарарни тушунсагина, ёрдам сўраши мумкин.

## 3. «Асал ойи» босқичи

Ушбу босқичда хулқ-атвор модели ўзгаради, бунда тажовузкор (зўрловчи) бошқа ҳеч қачон зўравонлик қилмаслигини ваъда қиладиган меҳрибон, ғамхўр одамга айланади ёки ўзининг қилмишларида ўз қурбонини айблайди, унда айбдорлик туйғусини шакллантиради ва мавжуд вазият учун масъулиятни ўзаро тақсимлайди.


**Агрессор (ҳуқуқбузар):** у ҳаддан ташқари узоққа кетганини билади, кечирим сўрашни бошлайди, бошқа одамга айланади, чин дилдан пушаймон бўлади, тавба қилади, бу бошқа ҳеч қачон такрорланмаслигига ваъда беради, йиғлайди, ачиниш келтиради, оқланади, жабрланувчини бу бир марталик воқеа эканлигига ишонтиради, илиқлик, севги кўрсатади, танишув бошида бўлган одамга ўхшайди, совғалар олиб келади, жабрланувчи билан гаплашади, унга ғамхўрлик қилади, даволанишга ваърлик қилади.

**Жабрланувчи:** шеригининг ўзгарганига, зўравонлик – тасодифий ҳодиса

эканлигига, у бошқа такрорланмаслигига, ўзини севишини ҳис қила бошлашига, у учун муҳим деб ўйлашига, яна уни севишига, ажойиб севги ҳақидаги орзулари рўёбга чиқишига ишонч ҳис қила бошлайди. Шеригига яқинлик ва меҳр, биргалиқда ҳаёт унга яна гўзал ва умидга тўла кўринади.

#### 4. Кескинликнинг ўсиб бориш босқичи

**Цикл такрорланади.** Кейинги циклда зўравонлик тезлашади, кучаяди ва ташқи аралашув содир бўлгунга қадар такрорланади. Худди шу вазиятда бир вақтнинг ўзида бир нечта зўравонлик турлари пайдо бўлиши мумкин, масалан, жисмоний (калтаклаш), психологик (ҳақорат ва таҳдидлар), иқтисодий (молиявий ресурслардан маҳрум қилиш).



# Зўравонлик турлари

Оиладаги зўравонлик турли шакл ва шаклларда бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда оиладаги зўравонликнинг табиатини ташкил этувчи зўравонлик ҳаракатларининг камида тўртта асосий тури мавжуд: жисмоний, жинсий, психологик ва иқтисодий.

- **Жисмоний зўравонлик** тажовузкорнинг жабрланувчининг танасига қаратилган оғриқ ёки тан жароҳати етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракати (хусусан, итариш, ҳаракатни чеклаш, тортиш, қисиш, уриш, тепиш, бўғиш, нарсаларни ташлаш, ёқиш, қурол ишлатиш, хавфли жойда қолдириш, зарур ёрдам кўрсатмаслик ва ҳ.к.)
- **Психологик зўравонлик** камситувчи, кўрқув, ҳиссий оғриқ ёки азоб-уқубатларни келтириб чиқарадиган тажовузкорнинг хатти-ҳаракатлари (хусусан, масхара қилиш, сўкиш, танқид қилиш, таҳдид қилиш, бошқа одамлар билан алоқани назорат қилиш ва чеклаш, ҳис-туйғуларни рад этиш, беварқлик, ҳурматсизлик билан жалоллаш, итоаткорлик талаби, уйқу ва овқатни чеклаш ва бошқалар)
- **Иқтисодий зўравонлик** оилавий маблағлардан маҳрум қилиш (ишлаб топган пулларини олиш, ҳақ тўланадиган ишга киришга тўсқинлик қилиш, оиланинг асосий моддий эҳтиёжларини қондирмаслик ва бошқалар)
- **Жинсий зўравонлик** мажбурий жинсий алоқа, номақбул эркалаш ва жинсий ҳаракатлар, учинчи шахслар билан мажбурий жинсий алоқа, жинсий муносабатларнинг садистик шакллари қўллаш, рашкни кўрсатиш, жинсий хулқ-атворни танқид қилиш ва бошқалар.

Бу масала билан шуғулланувчи мутахассислар зўравонликнинг яна бир тури - **оила аъзосининг азоб-уқубатларига олиб келадиган асосий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдириш ва қондирмасликни ҳам алоҳида таъкидлайдилар.**

Шуни ёдда тутиш керакки, худди шу вазиятда зўравонлик юқоридаги бир нечта шаклларнинг комбинациясида ёки бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин.

# Зўравонлик ҳақидаги афсоналар

Жамиятда кексалар ва ногиронлиги бор одамларга нисбатан зўравонликни оқлайдиган кўплаб афсоналар, стереотиплар ва нотўғри қарашлар мавжуд. Эҳтимол, кўпчилигимиз яқинларимиз, қўшниларимиз ёки умуман нотаниш одамлардан бу гапларни ва фикрларни бир неча бор ўйлаганмиз, айтганмиз ва/ёки эшитганмиз.

Ушбу афсоналарга кўра, кексалик ақлий ва жисмоний заифлик, касалликларга мойиллик, қашшоқлик, норозилик, қарашлар ва одатларнинг эскирганлиги, бошқаларга ўргатиш тенденцияси, эътиборсизлик, пессимизм билан боғлиқ.

Биз ҳаммамиз, айниқса, ушбу ижтимоий гуруҳ билан профессионал алоқада бўлганлар, кексалар ва ногиронлиги бор одамлар ҳақидаги тушунчамиз стереотиплар билан бузилганлигини тушунишимиз муҳимдир.

Келинг, яқинларининг зўравонлигидан азият чеккан кекса одамларга имкон қадар самарали ёрдам бериш учун биз эътироз билдиришимиз керак бўлган бир неча афсоналарни кўриб чиқайлик.

**Афсона:** Оиладаги зўравонлик — бу одамларнинг «шахсий иши».

**Ҳақиқат:** Оиладаги зўравонлик — шахсий масала эмас, бу жиноят ва жиддий ижтимоий муаммодир.

**Афсона:** Оиладаги зўравонлик фақат қуйи ижтимоий табақадаги одамлар орасида содир бўлади.

**Ҳақиқат:** Оиладаги зўравонлик ҳар биримизга таъсир қилиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зўравонлик қўллайдиган одамлар, масалан, таълим даражасидан қатъи назар, турли ижтимоий гуруҳларга тегишли.

**Афсона:** Сиз оила аъзоларингиздан кўра нотаниш одам томонидан зўравонликка дучор бўлишингиз эҳтимоли кўпроқ.

**Ҳақиқат:** Оилада зўравонлик кўчада ёки иш жойига қараганда тез-тез учрайди.

**Афсона:** Зўравонлик ишлатадиган одамлар руҳий касал

**Ҳақиқат:** Оиладаги зўравонлик ва руҳий касаллик ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ. Зўравонлик жабрланувчини назорат қилиш ва кучни кўрсатиш истагига асосланади. Зўравонлик қилганларнинг энг типик хусусияти уларнинг кўринадиган нормаллигидир. Зўравонлик фақат ижтимоий муаммоларга дош бера олмайдиган қарам, руҳий касаллар томонидан содир этилиши ҳақиқат эмас. Бошқа одамнинг заифлиги ва қарамлиги баъзан биз зўравонлик ҳаракатларини кутмайдиган одамлар томонидан қўлланилади

**Афсона:** Бу бошқа такрорланмайдиган бир марталик воқеа эди.

**Ҳақиқат:** Оила аъзосига нисбатан зўравонлик камдан-кам ҳолларда алоҳида ҳодисадир. Бу одатда зўравонликни кучайтириш занжирининг биринчи бўғинидир.

**Афсона:** Ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш уят.

**Ҳақиқат:** Ижтимоий ёрдам турли сабабларга кўра қийин ҳаётини вазиятларга тушиб қолган одамлар ва оилаларга кўплаб ёрдам турларини таклиф қилади. Ҳар биримиз бундай вазиятга ўз айбимиз билан дуч келмаслигимиз мумкин. Пул нафақаларидан ташқари, ижтимоий ёрдам ҳар хил турдаги номоддий ёрдамни таклиф қилади, масалан, ижтимоий иш ёки ихтисослаштирилган маслаҳат шаклида.

# БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК

Болаларга нисбатан зўравонлик ота-оналар ёки бошқа васийлар, тенгдошлар, романтик шериклар ёки бегоналар томонидан содир этилганидан қатъи назар, 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари ўз ичига олади. 2015-йилда болаларга нисбатан зўравонликнинг тарқалиши бўйича 96 мамлакат бўйича сифатли маълумотларни тақдим этган 38 та ҳисобот таҳлилига асосланиб, экспертлар дунё бўйлаб барча болаларнинг ярмидан кўпи — 1 миллиард 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар — шундай зўравонликка дучор бўлган деган хулосага келишди.

Келинг, болалик хавотирлари дунёсига эътибор қаратайлик, қуйидаги истиқболларни кўриб чиқайлик: *1. Бола оиладаги зўравонлик қурбони сифатида ва 2. Бола зўравонлик гувоҳи сифатида.*

**1. Оиладаги зўравонлик қурбони сифатида** бола турли хил жисмоний, психологик, жинсий зўравонлик, ҳиссий ва ижтимоий эътиборсизлик, баъзан рад этиш, боғланиш ва яқин муносабатларда бўлиш каби асосий эҳтиёжларни эътиборсиз қолдиришга дучор бўлади.

Бундай вазиятда бола нимани ҳис қилади: кўрқув, кучсизлик, ғазаб, хавфсизлик ҳисси йўқлиги, ўзини ёмон, исталмаган, кераксиз ҳис қилади, ўзини паст баҳолайди, ўзи учун хавф туғдирадиган вазиятларда тажовузкорлик билан муносабатда бўлади.

Ўзи ҳақимда нима деб ўйлайди: мен ҳеч ким эмасман, мен умидсизман, бу менинг айбим, нега мен билан содир бўлди, мен бошқаларни тушкунликка туширмасликка ҳаракат қиламан, мен ўзимдан, бутун дунёдан ва ота-онамдан нафратланаман, яшашни хоҳламайман.

Боланинг хатти-ҳаракати: ёпиқ, «кўринмас», тенгдошларига ёки ўзига нисбатан жуда итоаткор ёки жуда тажовузкор.

Кўпинча балоғат ёшида одам болалигида дуч келган хатти-ҳаракатларини такрорлайди. **«Калтакланганлар, – калтаклайди, хафа бўлганлар – хафа қилади».**

## 2. Бола зўравонлик гувоҳи сифатида

Оиладаги зўравонлик айниқса хавфли бўлиб, болалар кўпинча зўравонлик ҳаракатларига гувоҳ бўлишади. Болалар жанжал ёки онасининг калтакланишини кўрмасликлари мумкин, лекин улар, масалан, йиғлаш ва ҳақоратларни эшитишади. Улар зўравонлик оқибатларини, яъни квартирада вайронагарчилик, қон доғлари, кўкаришлар, уйда полиция ходимларини кўришади. Тажовузкор уйга қайтганида, улар оиладаги кескинлик муҳитини, онанинг қўрқувини ҳис қилишади.

Зўравонликка гувоҳ бўлиш оғир руҳий жароҳатни англатади. Агар болалар нафақат зўравонлик гувоҳи, балки унинг қурбони бўлса, бу травма кучаяди. Бундай ҳолда, улар ҳиссий бузилишларнинг янада кучли аломатларини кўрсатадилар, айниқса зўравонлик сурункали бўлса.

**Болалар зўравонлик гувоҳи сифатида қуйидаги дилеммаларга дуч келишади:**

### **Дилемма:**

*Бошқаларга айтишим керакми ёки сирни фақат ўзим учун сақлашим керакми?*

### **Дилемма:**

*Вазиятга таъсир қила оламанми, бирор нарса қила оламанми?*

Агар бу дилеммалар «яхши катталар» томонидан ҳал этилмаса, улар жиддий ҳиссий беқарорликка олиб келиши мумкин, бу эса жамиятда тўғри ўсиш, шахсни шакллантириш ва фаолият юритиш жараёнига таъсир қилади.

## Зўравонлик гувоҳи бўлган болаларда ҳиссий бузилишлар

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оиладаги зўравонликка гувоҳ бўлган бола ташвиш, депрессия, мактабда ёмон ўқиш, ўзини паст баҳолаш, даҳшатли тушлар ва жисмоний касаллик каби ҳиссий ва хулқ-атвор муаммоларини кўпайиши хавфи остидалир. Бундай болалар, шунингдек, болалик ва ўсмирлик даврида тажовузкор хатти-ҳаракатларга мойил.

## Зўравонлик гувоҳлари бўлган болалардаги ҳиссий бузилишлар бир неча жиҳатларда намоён бўлади:

<b>Хулқ-атвор бузилишларида:</b>	тажовузкорлик, гиперактивлик, ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик, ғазаб ҳужумлари, ишдан бўшатиш, жиноий хатти-ҳаракатлар.
<b>Ҳиссий муаммоларда:</b>	ташвиш, қайғу, ғазаб, ажралиш, ўзини паст баҳолаш.
<b>Ижтимоий масалаларда:</b>	тенгдошларнинг рад этиши, изоляцияси, ҳамдардликка қодир эмаслиги, паст ижтимоий кўникмалар.
<b>Когнитив муаммоларда:</b>	мактабда ёмон натижалар, интеллектуал ривожланишнинг кечикиши, нутқ ривожланишининг кечикиши.
<b>Жисмоний саломатлик соҳасида:</b>	уйқусизлик, овқатланишнинг бузилиши, соматик касалликлар белгилари, ҳаракат ва жисмоний ривожланишнинг заифлиги, тунги сийдик ушла олмаслик.

### **Зўравонлик зўравонликни келтириб чиқаради. Болалар болалиқдан ўрганган хулқ-атвор намуналарини катталар ҳаётига олиб ўтадиларми?**

Умуман олганда, ота-она муносабатларидаги зўравонликка гувоҳ бўлган болалар кўпинча зўравонликка дучор бўлган болалар билан бир хил психологик муаммоларга дуч келишади. Қўшма Штатларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аёллар эрлари томонидан зўравонликка дучор бўлган оилаларда болалар ҳам зўравонликка дучор бўлишади (оилаларнинг 30 дан 60% гача)». Деярли барча тажовузкорлар болалиқ ёки ёшлиқ даврида хўрлаш, эътиборсизлик, калтаклаш ёки жинсий эксплуатация қилиш нишонига айланган. Улар заиф ва ҳимоясиз бўлганларида олган нарсаларини «қайтаришади». Зўравонлар болага қандай қилиб тажовузкор бўлишни ёки балоғат ёшида қурбон ролини қандай қабул қилишни ўргатади.

Болалар болалиқда кўрган хулқ-атвор намуналарини ўзлари билан бирга катталиқка олиб ўтадилар. Бола салбий хиссиётларининг намоён бўлиши ва аломатлари учун жазоланмаслиги керак. Сиз ўзингизга савол беришингиз керак: "Улар остида нима ётади?"



## Зўравонлик ва эътиборсизлик сабаблари. Нима учун катталар болаларга нисбатан зўравонлик қилишади?

1. Болаларни тарбиялаш жараёни тўғрисида билим ва тушучаларнинг етишмаслиги, боланинг ривожланиш босқичларини ва ота-оналарнинг ушбу босқичларга таъсирини билмаслик.
2. Болалиқда тўпланган шахсий травматик тажриба, ёш болалиқдаги даволанмаган жароҳатлар, оилавий одатлар ва хатти-ҳаракатлар.
3. Оилавий контекст: турмуш ўртоқлар ўртасидаги муносабатлар, оилавий низолар, оилавий ҳаёт, яшаш шароитлари, турмуш ўртоқларнинг алоҳида яшаши, ажралиш.
4. Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ижтимоий-маданий контекст, масалан, «кучли қўл» стратегияси, болаларнинг ўз фикри бўлиши мумкин эмас, бу унинг манфаати учун, яхши одам бўлиб ўсиши учун, уради – севади дегани ва х.з.
5. Постпартум (туғруқдан кейинги) депрессия.
6. Ҳомиладорлик тарихи ва зўрлаш ҳолати кўпинча онанинг оналик инстинктини йўқотади ва тажовузкорлик хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиш хавфи ортади.

## Болалар бошдан кечирган зўравонликнинг оқибатлари

- |   |   |
|---|---|
| <b>1. Жисмоний:</b>                       | жароҳатлар, яралар, шилинишлар, синишлар, баъзан энг оғир оқибат –ўлимга олиб келади.                   |
| <b>2. Ҳиссий сабабларга кўра соматик:</b> | бош оғриғи, кўнгил айнаши, ваҳима ҳужумлари, тез юрак уриши, нафас олиш муаммолари, кескинлик кучайиши. |

- 3. Руҳий саломатлик муаммолари:** ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг пастлиги, ҳиссий ва когнитив бузилишлар, ижтимоий ўзини-ўзи изоляция қилиш, боғланиш ва муносабатларни ўрнатиш кўникмаларининг бузилиши, шахснинг тўғри ривожланиши билан боғлиқ бузилишлар (пассив қарам шахснинг шаклланиши, диссоциал шахсият бузилиши, шизотипик бузилиш).
- 4. Болалик мия чайқалиши синдроми:** 1 ёшгача бўлган болаларга нисбатан чайқалиш, қўпол муомала қилиш натижасида юзага келадиган аломатлар мажмуаси, ҳатто бир неча сония кучли силкиниш ҳам қайтарилмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Синдромнинг белгилари: апатия, иштаҳанинг етишмаслиги, қусиш, ўйинга жавоб бермаслик, титроқ, нафас олиш муаммолари, эпилептик ҳужумлар.

## Тавсиялар

### Тингланг:

Болаларга энг яқин одамлари томонидан етказилган жароҳат ҳақида гапириш қийин бўлиши мумкин. Шошманг, бола бунга тайёр бўлгунча кутиш яхшироқдир, зўравонликдан чиқиш йўли – жараёнدير. Бола ўзини хавфсиз ҳис қилгандагина сизга ишонади.

### Ишонинг:

Биз катталар болалик тажрибаси ва хавотирлар дунёсига шубҳа қилмаслигимиз керак. Агар бизга бола тақдим этган маълумотни хавфсиз шаклда текширмасак, тушунишимизни кўрсатмасак, у бошқа ҳеч қачон очилмаслиги, балки узоқлашиши ва ички дунёсида ёпилиши мумкин.

### Қўллаб-қувватланг:

Қўллаб-қувватлашингизни кўрсатинг ва ёрдам беринг.

**Ҳеч қачон вақт даволайди деб,  
жароҳат олган болани ёлғиз  
қолдирманг.**

Тингланг!

Ишонинг!

Қўллаб-қувватланг!

**Катталарга бирорта болани хафа қилишига  
йўл қўймайлик!**

# ҚАРИЯЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК

Қарияларга нисбатан зўравонлик оддий ҳолат бўлиб, кенг тарқалган ҳодисага айланган. Афсуски, у ҳақида кам гапирилади.

Айниқса ғамхўрликка муҳтож ёки ёлғиз яшовчи кекса одамлар заиф ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қарияларга нисбатан зўравонлик муҳим масала эканини тан олади. 2017 йилда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 60 ва ундан катта ёшдаги ҳар 6 кишидан 1 нафари (15,7%) қандайдир зўравонликка дучор бўлган. Ушбу тадқиқотлар, шунингдек, кўплаб мамлакатларда аҳолининг тез қариши туфайли келажакда кекса одамларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кўпайишини прогноз қилмоқда.

## Қарияларга нисбатан зўравонлик нима?

*Бу васий ёки бошқа шахс томонидан кекса одамларга азоб-уқубат, зарар ёки жиддий хавф туғдирадиган ҳар қандай маълум, қасддан ёки бепарво ҳаракатдир. Зўравонлик кўпинча шундай муносабат-ки, бир томондан, кекса одам катта ишончга эга, бошқа томондан, унинг соғлиғи атроф-муҳитга муҳтожликни келтириб чиқаради.*

***Кекса одамларга нисбатан ёмон муносабат  
номақбул ва нолайиқ!***

# Қарияларга нисбатан зўравонлик турлари

Кекса одамлар учун зўравонликнинг оқибатлари айниқса жиддий бўлиши мумкин. Улар жисмонан заифроқ ва кучсизроқ, ҳатто нисбатан кичик жароҳатлар ҳам уларнинг заиф соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Улар изоляция, ёлғизлик ёки касалликлардан азият чекишлари мумкин.

Шу билан бирга, бу оиладаги зўравонлик қурбонларининг энг қийин тоифаларидан бири бўлиб, улар билан ишлаш жуда қийин, фақат бир нечтаси ёрдам сўрайди ва кўпинча жабрланувчилар уларга нисбатан бўлаётган ҳолатларни зўравонлик деб тушунмайдилар.

**Қариялар ва ногиронлиги бор одамларга нисбатан зўравонликнинг 5 тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагича намоён бўлиши мумкин:**

5

## 1. Жисмоний зўравонлик:

**Жисмоний оғриқ, тан жароҳати етказиш, соғлиғининг ёмонлашишига олиб келади ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин.**

Ушбу турдаги зўравонликларга қуйидагилар киради: зарбалар, силкинишлар, тебраниш, уриш, бўғилиш, қўл сиқиш, мажбуран озиқлантириш ёки озиқ-овқатдан маҳрум қилиш, тинчлантирувчи воситалардан фойдаланиш, гиёҳванд моддаларни ҳаддан ташқари ошириб юбориш, ҳаммом ёки бошқа жамоат жойларига киришни чеклаш, уйда ёки битта хонада ёлғиз қулфлаш, хона ҳароратини керакли даражада ушлаб турмаслик, тинчлик ва уйқуни бузиш.

**Ушбу турдаги зўравонликни бошдан кечирिशнинг белгилари:** яралар, кўкаришлар, кесишлар, яллиғланган жойлар, синишлар, шахсий гигиена ва ташқи кўриниш сифатини йўқотиш, тошма, тўсатдан вазн йўқотиш, очлик, ташналик, хатти-ҳаракатларнинг ўзгариши.

## 2. Психологик зўравонлик:

**Ўз-ўзини ҳурмат қилишни камайтиришга қаратилган, қўрқувни келтириб чиқарадиган, хавфсизлик ҳисси ва ўз ҳаётини назорат қилишдан маҳрум қиладиган хатти-ҳаракатлар.**

Булар қичқириқлар, сўкинишлар, ҳақоратлар, таҳдидлар, доимий танқид, ёшга боғлиқ таъқиблар, хўрлаш, қўрқитиш, шантаж қилиш, масхара қилиш, итоат қилишни талаб қилиш, алоқани чеклаш ёки бошқа оила аъзолари ёки таниш дўстларидан изоляция қилиш (уйдан чиқишни, меҳмонларни қабул қилишни, телефон орқали мулоқот қилишни тақиқлаш), ўз қарорларини қабул қилиш ёки ўз сирларини сақлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки ташлаб кетиш ёки қариялар уйига жойлаштириш билан таҳдид қилиш.

***Ушбу турдаги зўравонликнинг белгилари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:*** депрессия, изоляция, ғазаб, хатти-ҳаракатлар ва кайфиятнинг ўзгариши, қўрқув, даҳшат, тажовузкорлик, ўз-ўзини ҳурмат қилишнинг пасайиши, қўзғалувчанлик ёки апатиянинг кучайиши. Шунинг ҳам қўшимча қилиш керакки, кекса одамлар кўпинча яқин қариндошлари томонидан рад этиш ва ёлғизлик таҳдиди остида чидаб бўлмас ишларни (кундалик неvara парвариши, уй ишлари) бажариш учун ишлатилади.

## 3. Эътиборсизлик ёки рад этиш:

**Ғамхўрлик, ёрдам ва бошпана учун масъул шахслар томонидан қарияларга нисбатан мажбуриятларни рад этиш ёки бажармаслик,** масалан, озиқ-овқат, зарур дори-дармонлар билан таъминлашни рад этиш, одам ифлос ва/ёки квартира жуда қаровсиз ҳолатда бўлса, парвариш ва гигиена қоидаларига эътибор бермаслик, реабилитация тартиб-қоидаларининг йўқлиги, тиббий кўрсатмаларга риоя қилмаслик, кундалик ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатмаслик, буюрилган дори-дармонларни сотиб олишдан бош тортиш, озиқ-овқат сотиб олишдан бош тортиш, тавсия этилган парҳезга риоя қилмаслик, шифокор билан, шунингдек, ҳар сафар турли зарур шифокорлар ва шифохоналарга мурожаат қилиш учун ўз вақтида боғланмаслик.

***Аломатлар:*** тўсатдан вазн йўқотиш, тўйиб овқатланмаслик, ётоқхоналар, шахсий гигиена қоидаларига эътибор бермаслик, даволанмаган ёки ривожланган соғлиқ муаммолари, тошма, яралар, ижтимоий алоқаларнинг йўқолиши.

#### 4. Иқтисодий зўравонлик:

**Жабрланувчининг тажовузкорга молиявий ёки иқтисодий қарамлиги.**

Мисоллар: пенсия олиб қўйиш, пулни назорат қилиш ва тақсимлаш, молиявий хужжатларни имзолашга мажбурлаш, васиятномани ўзгартириш, қўчмас мулк, товарлар, пулларни бировларни номига ўтказиш (эҳсон қилиш), қалбакилаштириш, нархларни ошириш, нарсаларни олиб қўйиш.

*Ушбу турдаги зўравонлик қуйидагилардан далолат беради: Кекса одамлар, шунингдек, мерос овчилари ёки ёши катталарни ёқтирадиган «ишқибозлар» томонидан алданишга дучор бўлишади.*

#### 5. Жинсий зўравонлик:

**Жабрланувчини жинсий алоқада бўлишга ёки исталмаган (розиликсиз) жинсий хатти-ҳаракатларга мажбурлаш.**

Бу зўрлаш, таъқиб қилиш, фош қилиш, жинсий алоқанинг номақбул шаклларига мажбурлаш, порнографик контентни томоша қилиш ва исталмаган жинсий ҳазилларни ўз ичига олиши мумкин. **Одамнинг ушбу турдаги зўравонликка дучор бўлишини қуйидагилар кўрсатиши мумкин: жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, генитоурия инфекциялари, йиртилган ва қонли кийимлар, ўтириш ва юриш пайтида ноқулайлик, хатти-ҳаракатларнинг ўзгариши. Жинсий зўравонлик айбдорлари кўпинча шериклар, узоқ йиллик эрлар бўлиб, улар «никоҳ мажбуриятларини бажаришни талаб қилади».**

# Қарияларга нисбатан зўравонликни тақиқлаш

Қарияларга нисбатан зўравонлик қандай сабабларга кўра «табу» (тақиқ) ҳисобланади?

- 1.** Зўравонликка учраган кекса одамларнинг фарзандлари, набиралари ва турмуш ўртоқлари томонидан бошдан кечирган зўравонликлари ҳақида гапиришни истамаслиги. Яқинларини ҳимоя қилиш зарурати ҳисси уларни сукут сақлашга ва азоб-уқубатларга чидашга мажбурлайди. Кекса ота-оналар кўпинча ўзларининг катта ёшли болаларининг хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис қилишади, улар ўзлври уларни шундай тарбиялаганлар. Бу уят ва бошқалар нима дейишини ўйлаб, ўз фарзандларининг зўравонлигини фош қилишдан қўрқиш билан боғлиқ...

*Уларни фикрлашни ўзгартришга ундаш муҳимдир.*
- 2.** Ҳар бир оиладаги зўравонлик циклик деб аталадиган ҳаракатга эга - тажовузкор жабрланувчига яхши, садоқатли, илиқ ва тушунарли муносабатда бўлган яхши кунларга эга. Бу зўравонликка учраган одамни тажовузкорга маҳкам боғлайди ва муносабатларнинг доимий яхшиланишига ёлғон умид беради, унга нисбатан зўравонлик тасодифий ва тез орада тўхтади, деган умидни беради.
- 3.** Жинойтчининг одатий хатти-ҳаракати айбни жабрланувчига топшириш билан боғлиқ. У урди, итариб юборди, ҳақорат қилди, чунки «сиз яна ниманидир хоҳлайсиз», «сиз менга тинчлик бермайсиз», «сиз ифлос бўлдингиз» ва ҳоказо баҳоналар орқали. Буни доимий равишда эшитиб юрган жабрланувчини, ўзини бошқача, фойдалироқ, мустақил бўлса, вазият яхшиланади, деб ишонишига олиб келади.

*Шунинг учун жабрланувчи ўзини айбдор ҳис қилади.*
- 4.** Жинойтчига қарам бўлган жабрланувчилар зўравонликни ошкор қилиш оқибатларидан қўрқишади. Улар тўлиқ рад этишларидан ва тажовузкорликнинг кучайишидан қўрқишади.



## **Кекса одам хафа бўлганини кўрсангиз, қандай муносабатда бўлишингиз керак?**

- *Сухбатлашинг, қўллаб-қувватланг*
- *Шахсий ёрдам беринг*
- *Жабрланганларнинг аксарияти уят, қўрқув, ночорлик ёки ўз ҳуқуқларини билмаслик туфайли сукут сақлайди. Шунингдек, у кўпинча тажовузкорлар ёки оила аъзолари томонидан босим остида. Зўравонликка учраган одам ўз хавотирлари ҳақида гапира бошлаган пайт унинг учун жуда қийин бўлиши мумкин, шунинг учун унга эътибор ва тушуниш билан муносабатда бўлиш муҳимдир.*
- *Жабрланувчи, биринчи навбатда жабрланувчи, биринчи навбатда, сиздан содир бўлаётган воқеаларда унинг айби йўқлигини, зўравонлик учун ҳар доим тажовузкор айбдор эканлигини билиб олиши керак.*
- *Сизнинг раҳм-шафқатингиз ва қўллаб-қувватлашингиз унинг кейинги қарорлари учун жуда муҳим бўлиши мумкин. Зўравонлик ҳақидаги маълумотларни қолдириб бўлмайди, ташлаб бўлмайди ёки унутиб бўлмайди*
- *Ўзини жазосиз ҳис қилган жиноятчи тобора шафқатсиз ҳаракат қилади ва бу жабрланувчининг соғлиғига ва ҳатто ҳаётига хавф туғдириши мумкин.*

### **ЭСИНГИЗДА ТУТИНГ!**

1. Агрессор одатда **яқин атрофдаги одам**: болалар, набиралар, турмуш ўртоғи, васий.
2. Ўзингизга ёрдам беришингиз шарт эмас. Кучингиз сизга ёрдам беришга тайёр турган бошқа одамлардадир. Қийин вазиятда ёлғиз қолмаслик учун **ёрдам сўранг**.

**Агар сиз зўравонликка дучор бўлсангиз, нима қилишингиз мумкин ва зўравонлик билан шуғулланадиган кекса одамларни нима ҳақида ўргатиш керак:**

- Оила, дўстлар, имом билан **гаплашинг**. Жасоратга эга бўлинг ва сукунатни тўхтатинг - қўшнилар сизга ёрдам кераклигини тахмин қилишлари мумкин, улар фақат сиз буни хоҳлаётганингиз ҳақидаги сигналингизни кутишмоқда.
- Агар қочиш керак бўлса, **бошпана сўранг**. Улар билан жанжал, қичқириқ бўлса ёки сигнал берганингизда, полицияга қўнғироқ қилишлари тўғрисида келишиб олсангиз бўлади.
- Ўз қобилиятингизга ишонишингизга ёрдам берадиган ва сизни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб, куч ва назорат туйғусини тиклайдиган **психолог билан танишинг**. Бундай учрашувлар тўғрисида сиз ёрдам сўрашингизга халақит берадиган уят туйғуларидан халос бўлишингиз мумкин.
- **Шифокорингизга** қийин аҳволингиз ҳақида **айтиб беринг**.
- Агар сиз Ижтимоий таъминот марказининг ижтимоий ходими қарамоғида бўлсангиз, у билан маслаҳатлашинг ва муассасадан **ёрдам олиш имкониятлари ҳақида сўранг**.

**Сизнинг ёки  
яқинларингизнинг ҳаёти ёки  
соғлиғи хавф остида бўлган  
ҳар қандай вазиятда**

**ПОЛИЦИЯГА ҚЎНҒИРОҚ  
ҚИЛИШДАН ТОРТИНМАНГ!**

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ОДАМЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК

Американинг " Sanctuary for Families " ташкилоти маълумотларига кўра, ногиронларнинг 70 фоизи қандайдир зўравонликка дучор бўлади ва уларнинг ичида жинсий зўравонлик уч барабар кўп. Ташкилот томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кенг тарқалганлигига қарамай, имконияти чекланган одамларга нисбатан оиладаги зўравонлик кўпинча эътибордан четда қолади ва зўравонлик ҳолатларининг 70% дан 85% гача қайд этилмаган.

## Чекланган имкониятлар тушунчаси

Имконияти чекланган одамларга жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий нуқсонлари бўлган шахслар киради ва турли тўсиқлар билан ўзаро алоқада бўлганда, уларнинг жамият ҳаётида бошқалар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига тўсқинлик қилиши мумкин.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) инсон саломатлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги чекланган имкониятлар тушунчаларини киритади:**

**Ногиронлик** - психологик, психофизик ёки анатомик ҳолат нуқтаи назаридан тананинг функциялари ёки тузилмаларида юзага келадиган турли хил бузилишлар;

**Чекланган имкониятлар** – ҳар қандай чеклаш ёки фаол ҳаёт тарзини олиб боришга қодир эмаслиги (ногиронликдан келиб чиқадиган) шахсга хос бўлган тарзда ёки даражада;

**Ижтимоий ролларни бажаришдаги чекловлар** – бу ёши, жинси ва ижтимоий-маданий шароитларига мос келадиган ижтимоий ролни тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қиладиган чекланган имкониятлар ёки чекловлар натижасида юзага келадиган шахснинг ногиронлигидир.

Ногиронларнинг имкониятлари ва чекловлари уларнинг чекланган имкониятлари тури ва даражасига қараб фарқланади.

### **Ногиронлик билан боғлиқ ижтимоий муаммолар ҳаётнинг кўплаб соҳаларига тегишли:**

- Чекланган имкониятлар инсоннинг энг муҳим қадриятларига - саломатлик, жисмоний ва ақлий қобилият, ижтимоий ролларни ўз зиммасига олиш ва бажариш қобилиятига таъсир қилади.
- Чекловлар туфайли ногиронлар кўпинча кундалик ҳаётларида бошқаларнинг ёрдамига таянадилар.
- Ногиронларнинг ижтимоий идроки кўпинча ногиронларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини билмасликдан келиб чиқадиган стереотиплар, афсоналар ва нотўғри қарашларга асосланади.
- Чекланган имкониятларни стереотиплар призмаси орқали идрок этиш жамиятда рад этишга ва ногиронлар муаммоларига эътибор бермасликка олиб келади.
- Ногиронларни чекловлар ва дисфункциялар орқали аниқлаш бошқа одамларга тенг даражада таъсир қиладиган «умумий муаммоларни» идрок этишга сезгирликни пасайтиради.

## **Полшада ногиронларга нисбатан зўравонлик (тадқиқот натижалари)**

Ногиронларга нисбатан зўравонлик муаммоси миллий тадқиқот доирасида ўрганилди, унинг натижалари «Қариялар ва ногиронларга нисбатан оиладаги зўравонлик» ҳисоботида тақдим этилди (Полша Фанлар Академияси ҳисоботи: Варшава, 2009).

Зўравонликка қарши кураш бўйича мутахассисларни қамраб олган тадқиқот шуни кўрсатдики, ногиронларга нисбатан зўравонлик бошқа гуруҳларга (болалар ёки аёлларга) нисбатан зўравонликка қараганда камроқ учрайди. Сўров натижалари, шунингдек, ногиронларга нисбатан зўравонлик жамиятда камроқ қабул қилинишини кўрсатди.

**Тадқиқотда ногиронлар дуч келадиган зўравонлик шаклларига эътибор қаратилди. Натижалар шуни кўрсатди:**

**31,9 %**

респондентлар оиладан ташқарида урилган ёки калтакланган

**34,3 %**

безорилик ёки итариш

**31,9 %**

ногиронлар изоляция қилинган ёки ёпилган

**>34,4 %**

респондентлар ногиронларга нисбатан оиладаги жисмоний зўравонлик шаклларининг гувоҳи бўлмаганликларини ва эшитмаганликларини даъво қилишган

**ЭНГ кам**

кўрсатилган зўравонлик шакли ногиронларга нисбатан (оиладан ташқари ва оилада) жинсий зўравонлик эди

**ЭНГ кўп**

тилга олинган нарса моддий неъматларни мусодара қилиш эди.

